

Хизмат курсатишига оид ЛОТ-68389
ШАРТНОМА № 16

« 28 » апрел 2022 йил

Пайарик туман

« STORY FREE TRADING » МЧЖ кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи З Мамаризаев номидан, бир томондан ва Пайарик туман Ободонлаштириш бошқармаси кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари Ш.Хандамов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га Пайарик туман Ободонлаштириш бошқармаси 4Р 49 "Челек-Пайарик" автамабил йулиниг 1-кмга светафор урнатиш (кейинги ўринларда - "Ишлар" деб юритилади) ишларини бажариш, "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. "Ишлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми хисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич нархи	Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	Пайарик туман Ободонлаштириш бошқармаси 4Р 49 "Челек-Пайарик" автамабил йулиниг 1-кмга светафор урнатиш	72 135 726	68 214 000
	Жами (КҚС сиз)		
	Жами (КҚС билан)		68 214 000

1.3. Шартноманинг умумий суммаси 68 214 000 (Олтмиш саккиз миллион икки юз ун турт минг) сумни ташкил этади

1.4. Ишни бошлиш ва топшириш муддати: Пайарик туман Газначилик булинмасидан руйхатдан утгандан сунг. Бошланиши: 28 апрел 2022 йилдан Тугаши: " 28" июн 2022 йилгача лот № 68389

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:

- 2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 2.1.2. "Бажарувчи" дан "Ишлар" "Буюртмачи" нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- 2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуксон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб қилиш;
- 2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
- зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;
- "Ишлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
- 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган заар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.
- 2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:
- 2.2.1. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
- 2.3. «Бажарувчи» қуидаги хукуқларга эга:
- 2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган заар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.
- 2.4. «Бажарувчи» қуидагиларга мажбур:
- 2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
- 2.4.2. Агар "Ишлар"ни бажариш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 15 кун муддатда текин таъмиirlab бериш.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 68 214 000 (Олтмиш саккиз миллион икки юз ун турт минг) сўмни ташкил этади. Бажариладиган "Ишлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.
- 3.3. "Буюртмачи" мазкур контрактни Каттакургон шахри бўйича Газначилик булинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичida қонунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасининг 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичida қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлиdir.
- 4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" хажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатгандан ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қиласди.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, хажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг хажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қиласди, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айборд томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажрилмаслиги натижасида етказилган заарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечикирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечикирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган заарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган

зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чоратадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар махсулотлар нархи юкори деб топилган тақдирда уртадаги фарк «Ишлар» бажарувчи томонидан копланади.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил 18 - апрел дан 31-декабр 2022 йил гача амалда бўлади.

6.2 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор холатларида

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун хужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан иқтисодий суди тартибида ҳал қилинади

7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда Иқтисодий судида хал қилинади.

8.ФОРС – МАЖОР

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий оғатлар, нокулай об-хаво шароити, хукумат тадбирлари, хокимият органларининг қарорлари, харбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табиий оғатлар) форс-мажор туфайли бажарили бажирилмаган ёки лозим даражада бажарилмагнилиги исботланса жавобгар булмайди.

8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Узбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисидаги" ги конуни ва Узбекистон Республикасининг бошқа амалдаги конунлари талаблари буйича жавобгар булади.

9. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

9.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.

9.2 Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб Пайариқ туман Фазначилик булинмасидан руйхатдан утгандан сунг қонуний кучга киради.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда

содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

10.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

10.4. Мазкур шартнома, унга ўзgartiriшлар (кўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»	«Буюртмачи»
«STORY FREE TRADING» МЧЖ (мол етказиб берувчининг номи) Манзил: Пайарик туман Алиобод мфй Тел./факс : х/в 20208000405087047001 Банк номи: Промстрой банк Самарканд вилояти филиали	Пайарик туман Ободонлаштириш бошқармаси (бюджетдан маблағ олувчининг номи) Манзил: Пайарик шахри, Ж Мангуберди куча Тел./факс 66-425 22-91
МФО 00317 488 614 ИФУТ	ш/х 401022860182247065200110001 бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 20076072 ИФУТ 90211
Рахбар (имзо)	Газначилик номи <u>Молия вазирлиги</u> Газначилиги Газна х/в <u>23402000300100001010</u> .
М.У.	Банкнинг номи <u>Мар.банк Тошкент ш. Бош бошқармаси ХККМ</u> МФО <u>00014</u> Газначилик СТИРи 201122919  <u>Ш.Хандамов</u>



“ТАСДИКЛАЙМАН”
“Пайарик туман Ободонлаштириш
бошкармаси бошлиги



Ш Хандамов

Пайарик туман Ободонлаштириш бошқармаси 4Р 49 “Челек-Пайарик”
автамабил йулининг 1-кмга светафор урнатиш буйича комиссия йифилиши
БАЁНИ

Пайарик шахри

«25 » апрель 2022 й.

Раислик қилувчи

С Жаникулов

Иштирок этган комиссия аъзолари:

У Мамаюсов
Ш Холиков

Комиссия аъзоси, бўлим бошлиги
Комиссия аъзоси, бўлим бошлиги

Ш Маматов
Х Мардиев
К Эргашев

Комиссия аъзоси, мухандис
Комиссия аъзоси, Бош мухандис
Котиб

КУН ТАРТИБИ:

Пайарик туман Ободонлаштириш бошқармаси 4Р 49 “Челек-Пайарик”
автамабил йулининг 1-кмга светафор урнатиш буйича

(Х Мардиев, У Мамаюсов, Ш Холиков, К Эргашев, С Жаникулов, Ш Маматов)

Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022 йил 13 апрелда
Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон
порталига Ободонлаштириш бошқармаси 4Р 49 “Челек-Пайарик” автамабил
йулининг 1-кмга светафор урнатиш хизмати буйича №68389-лот рақами
билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 20 апрелдаги энг
яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари
комиссиясининг Электрон портали орқали шаклланган Ободонлаштириш
бошқармаси 4Р 49 “Челек-Пайарик” автамабил йулининг 1-кмга светафор
урнатиш буйича баённомага асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари
томонидан « STORY FREE TRADING » МЧЖ корхонаси ғолиб деб
топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси З-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимиغا жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ободонлаштириш бошкармаси бош бухгалтери О.Курбоновга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 20 апрелдаги электрон баённомасига асосан ғолиб «STORY FREE TRADING» МЧЖ корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Бош мухандис X Мардиевга маҳсулотни сифат даражаси назорат қилинсин.

Комиссия раиси

С Жаникулов

Комиссия аъзолари

У Мамаюсов

Ш.Холиков

Ш Маматов

X Мардиев